

Мартнинг охирги кунлари. Кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз кўйга соляпти. Офтоб хар сафар булут остига кириб чикканида, бахор келганидан беҳабар хануз гафлатда ётган ўт-ўланни, курт-кумурскани уйготган, аввалгидан ҳам ёругрок, аввалгидан ҳам иссикрок шуъла сочаётгандай туюлади. Касалхонага якинда тушган Миррахимов, жиккаккина киши, ўзига жуда ҳам катта кўк халатга бурканиб, енгчадан бошини чикариб турган сичкондек деразадан кўчага караб ўтирган эди, бирдан тутакиб кетди: шундай хаво бўлса-ю, оёк-кўли бутун одам кўчага чиколмай, деразадан мўралаб ўтирса!..

Миррахимов жуссаси кичкина бўлгани билан товуши жуда йўгон ва бунинг устига секин гапиролмас эди. Хамшира югуриб кирди, Миррахимовнинг соглигини, кайфиятини сўради, кейин дардни бардош енгади, бу хусусда Мастура Алиевадан ибрат олиш керак, деган мазмунда шама килди.

Мастура Алиева саккиз ойдан бери палатасидан чикмай ётган огир хаста, уни касалхонада хамма билар, кўп киши кириб кўрган экан. Миррахимовнинг одамгарчилиги тутиб кетди:

— Шу шўрлик аёлни бир кириб кўрайлик! Уч кунлиги борми, йўкми... Соб бўлган дейишади...

— Ха, анча огир,— деди хамшира хўрсиниб,— ўн йил дард тортиш осонми! Пойгахдаги каравотда китоб ўкиб ётган Хожи ака деган хаста йўгон гавдасига номуносиб чакконлик билан бошини кўтариб, кўзидан ойнагини олди.

— Ўн йил? Ўн йилдан бери касал эканми?

— Ха, ўн йил бўлибди. Бечора турмуш килганига бир йил бўлар-бўлмас шу дардга йўликкан экан. Томогидан ҳеч нарса ўтмайди. Овкатни корнига куйишади... Тешиб кўйилган... Баъзан ўзи куяди, баъзан эри.

Хожи аканинг кўзлари ўйнаб кетди.

— Эри? Эри борми?

— Бор. Шу ерда. Беш ойдан бери бирга!

Хожи ака узок анграиб колганидан кейин:

— Ўн йил касал бокиб, яна касалхонада ҳам биргами? — деди.

— Шуни айтинг,— деди хамшира.— Докторларга ялиниб-ёлвориб палатага каравот кўйдириб олди.

Хожи ака дардга бу кадар бардошли аёлдан ҳам кўра бунчалик вафодор эрни кўришга иштиёкманд бўлиб колди-ю, халатининг белбогини махкам боглаб, шиппагини кийди.

— Кани, юринглар, табаррук одамлар экан, бир кўриб чикайлик.

Хамшира Мастура билан унинг эрига хабар бергани кетди.

Хаял ўтмай, корни чиккан Хожи ака олдинда, узун коридордан ўнинчи палатага томон йўл олдик. Палата эшиги олдида бизни хиндига ўхшаган коп-кора, катта-катта кўзлари ёниб турган бир йигит, афтидан, Мастуранинг эри камоли эхтиром билан кутиб олди ва хар кайсимизга айрим миннатдорчилик билдириб, ичкарига йўллади. Палатага кирдик. Шу пайт офтоб яна булут остига кирди-ю, палатани шом коронгилиги босди. Каттакон деразанинг чап томонидаги каравотдан заиф, йўк, заиф эмас, майин товуш эшитилди:

— Келинлар... Рахмат! Одамга одам кувват бўлади, минг рахмат! Акрамжон, курси кўйиб беринг...

Офтоб яна ёришди. Мастурани баралла кўрдик... Кўз ўнгимизда хаста эмас, ўлик,

хакикий ўлик, сап-сарик терию суякдан иборат бўлган мурда ичига ботиб кетган кўзларини катта очиб ётар эди... Тобутда ётган ўликнинг кўлими, оёғими бирон сабаб оркасида бехосдан кимирлаб кетса киши кай ахволга тушади? Унинг ўлим пардаси коплаган юзида чакнаб турган кўзларини кўрган киши худди шу ахволга тушар эди. Боя бизни кутиб олган йигит — Акрамжон курси кўйиб берди. Миррахимов икковимиз ўтирдик. Хожи ака йўгон гавдаси билан Мастурани тўсиб тикка туриб колди. Ёнимдаги курсини суриб Хожининг этагидан тортай десам, корни силкиняпти... Ажабо, бу одам нега кулаётибди, деб афтига карасам... ранги бўз бўлиб кетибди! Унинг кўркканини пайкаб, хамшира дарров йўл килди:

— Ие, Хожи ака, сизга дори бериш эсимдан чикибди-ку, юринг! - деди ва Хожини етаклаб чикиб кетди. Хожи коридорга чикиб йикилармикан, деб ўйлаган эдим, йўк, хайрият, гумбурлаган товуш эшитилмади...

Хамшира йўл килиб Хожини олиб чикишга чикди-ю, лекин барибир, Мастура пайкади. Жуда-жуда хунук иш бўлди. Миррахимов икковимиз нима дейишимизни, нима килишимизни билмай колдик. Бу хол касалга кандай таъсир килди экан, деб секин карадим. Мастура консиз лабида табассум билан эрига юзланди:

— Акрамжон, дафтарингизга ёзиб кўйинг: уч марди майдон мени кўргани кирган эди, биттаси аранг кочдию, иккитаси кочгани хам бўлмай, ўтириб колди.

Мастура пикирлаб кулиб юборди; яна кулди, ёш боладай ўзини тутолмай кикирлар эди. Бу хазил ва айникса кулги аввал хунук, одамнинг этини жимирлатадиган даражада хунук эшитилди, кейин нучукдир, Мастуранинг юзидан ўлим пардаси кўтарилгандай, хаёт тўла кўзлари ўлик юзига жон киргизгандай бўлди. Миррахимов Хожи аканинг килмиши тўгрисида узр тарикасида бир нима демокчи бўлиб гап бошлаган эди, Мастура сўзини огзидан олди:

— Бунака нарса менга таъсир килмайди,— деди,— Акрамжон, буларга тобут вокеасини айтиб беринг... йўк, йўк, ўзим айтиб бераман! Бунга беш йилдан ошди. Кўз олдимдан кетмайди... Калин кор ёккан кун эди. Мен деразанинг рўпарасида мана шу хилда ётибман, Акрамжон пайпогини ямаётган эди шекилли. Бирдан кўча эшигимиз очилди-ю, кизил бир нарса кирди, нима экан деб карасам - тобут! Акрамжоннинг икки ўртоги ховлимизга тобут кўтариб кирди! Юрагим жиг этиб кетди... Вой шўрим, нахот ўлган бўлсам... То эс-хушимни ўнглаб, Акрамжонга бир нима дегунимча, бояги иккови тобутни деворга суяб кўйиб, уйга кириб келди; уйга кирди-ю, мени кўриб иккови хам бояги Хожи акангиздай шайтонлаб колаёзди. Акрамжон хайрон... Мен ана кетди, мана кетди бўлиб ётган эдим-да, ўша куни эрталаб биров автобусда йиглаб кетаётган бир болани кўриб, менинг укамга ўхшатибди-ю, шундан халигидай гап таркалибди... Тобутни бузиб печкага калашди. Менга шу хам таъсир килгани йўк. Бунака нарсалар ўлим кутиб ётган касалга ёмон таъсир килиши мумкин, мен хеч қачон ўлим кутган эмасман, кутмайман хам! У ёгини суриштирсангиз, мен одам боласининг ўлим кутишига, яъни дунёдан умид узишига ишонмайман. Хатто тилдан колган касалнинг розилик тилашиб карагани хам дунёдан умид узгани эмас, балки «розилик тилашгани хали эрта» дермикин деган умид билан, дунёда тенги йўк, тимсоли йўк зўр умид билан карагани деб биламан.

Акрамжон Мастуранинг биз билан ёзилиб ўтирганига канчалик хурсанд бўлса, толикиб қолишдан шунчалик хавотирда экани кўриниб турар эди; шунинг учун Мастурага тез-тез дам беришни кўзлаб, кўпрок бизни гапиртиришга, ўзи гапиришга ҳаракат киларди.

— Сизнинг нима дардингиз бор?- деди Миррахимовга юзланиб.

Миррахимов бирданига учта дарднинг номини айтди.

— Вой шўрим!..— деди Мастура, — жиндаккина жонингизга-я! Шу жуссангизга учта дард сигдими?

Бўлди кулги! Айникса, Миррахимов завк килиб кулди. Касаллик, ўлим тўгрисидаги гап тугаб, хушчакчак сухбат бошланишига илхак бўлиб турган Акрамжон Мастура бошлаган аскияни илиб кетди; аскияга жуда уста экан, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишдик. Афсуски, Миррахимовнинг йўгон товуши сухбатимизнинг бузилишига сабаб бўлди: врач коридордан ўтиб бораётиб, унинг бесўнакай кулгисини эшитган бўлса керак, эшикни очиб каради ва Мастурага зехн солиб, унинг юзида хоргинлик кўрди шекилли, бизни чикариб юборди. Акрамжон кетимиздан чикди, бизнинг бу илтифотимиз Мастурага канча куч-кувват беришини айтиб, кўнглида мавж уриб, ёш пардаси босган кўзларида кўриниб турган чексиз мин-натдорчилик туйгусини айтиб битиролмас, афтидан, Мастуранинг бир минутлик ороми учун ўнг кўзини ўйиб беришга хам тайёр эди.

Палатамизга кайтдик. Хожи ака каравотида ёнбошлаб, канд чой ичиб, ўзини елпиб ётар эди. Бўлиб ўтган хижолатли иш тўгрисида у хам индамади, биз хам индамадик. Хожи акага бир нима дейиш у ёктса турсин, Миррахимов икковимиз хам кечгача бир-биримизга сўз котмадик; афтидан, борлигимиз Мастура билан банд, куюндай чарх ураётган таассуротлар, фикрлар, туйгуларни ифода қилгани сўз тополмас эдик.

Кеч кирди. Хожи ака ўртачарок хуррак тортиб уйкуга кетди. Миррахимов дам-бадам у ёқдан-бу ёқка ағдарилар эди, ниҳоят, менинг уйгок эканлигимни пайкаб, бошини кўтарди.

— Бу хотиннинг жони битта эмас, минг битта! — деди, — хозир тугаб колган шамдай липиллаб ёнаётган жони башарти сўнган тақдирда хам, колган мингтасини ёкиб кейин сўнади. Мана шу ишонч Мастурага ўлимни йўлатмайди.

Миррахимов узокжим колганидан кейин яна бирдан:

— Эри-чи, эри? — деди, — бу йигитнинг хам рафторидан, йигитлик умри минг биттаю, шундан биттагинасини Мастурага курбон қияпти.

Ертасига Мастура хакида яна бир кўнгилсиз гап эшитдик: бечоранинг томогидан ҳеч нарса ўтмаслиги устига корнига тез-тез сув тўпланар экан...

Кунлар ўтиб ҳаммамиз тарқалдик. Миррахимов ўзининг МТСига, Хожи ака курортга кетди.

Орадан бир канча вақт ўтгандан кейин шу томонга йўлим тушдию, касалхонани босиб ўтолмадим; кириб таниш хамширадан сўрасам, Мастура бир соатдан кейин оператсияга ётар экан. Докторлар оператсия столдан туролмайди, деб беш ойдан бери унинг раъйини кайтариб келишар экан, охири бўлмабди — Мастура ўлсам товоним йўқ, деб тилхат берибди.

Кириб кўрай десам, доктор ижозат бермади. Менинг йўқлаб келганимни кўрса, далда бўладиган бирон сўз айтсам, зораки дармон бўлса деб кутдим.

Вақт-соати етганда Мастурани хамшира билан Акрамжон икки томондан суяб олиб чиқишди. Лекин эшикдан чиқиши биланок Мастура икковини икки томонга итариб ўзи юрди; бардам кадам ташлаб, оператсия залининг эшигини ўзи очиб кириб кетди.

Акрамжон, бутун диккати хотинида бўлгани учун мени пайкамади. Мастура эса менга бир карадию, танимади шекилли, индамади.

Оператсияга докторларнинг кўнгли чопмагани, хастанинг холи ўзимга маълум бўлгани, Мастуранинг ўлимнинг юзига бунчалик тик карагани коронгида кўрккан киши ашула айтганидек эмасмикин, деган гап кўнглимдан ўтгани учун оператсиянинг натижасини кутмадим, кечкурун касалхонага телефон қилмоқчи бўлганимда, ростини айтсам,

телефон трубкасини дадил ололмадим. Йўк, хайрият, Мастура оператсиядан бардам турибди. Шунака дейишди.

Шундан кейин мен узок сафарга кетдим, Мастуранинг такдиридан беҳабар бўлдим, лекин уни тез-тез эслар эдим; бу токати ток, жони темирдан инсоннинг тузалиб кетишини, яшашини, узок умр кўришини унинг ўзидан ҳам кўпроқ тилар эдим. Шунинг учун орадан уч йил ўтгач, Акрамжонни бир бегона хотин билан кўрганимда аламимдан дод деб юбораёздим.

Пахта байрами ҳеч қаерда Мирзачўлдагидек кизикўтма-са керак, чунки бу ерга ресгубликанинг турли областларидан келган одамлар ўз областининг ашуласини, ўйинини ҳам олиб келган дейишади.

Пахта байрамини ёр-жўралар билан Гулистон раёнида ўтказдик.

Акрамжонни, боя айтганим хотин билан шу ерда, Гулистон раёни марказининг чикаверишида кўрдим. Ўрта бўйли, хушкомат, вужудидан ёшлик кучи ва гайрати ёгилиб турган коп-кора жувон отда олма еб, йўл бўйида турар, Акрамжон ўз отининг айилини кайта боғламокда эди. Акрамжон мени кўриб колди-ю, жувонга бир нима деди. Жувон дарров отдан тушди. Иккови югуриб келди. Иккови ҳам мен билан жуда эски кадрдондай сўрашди. Бирок мен, харчанд килсам ҳам, палатадан чикиб оператсия залига кириб кетаётган Мастура кўз ўнгимдан кетмай, булар билан самимий кўриша олмадим: Акрамжонни бир нав кучоклаган бўлдим, жувонга эса кўлимнинг учини бердим.

Жувон:

— Амаки, мени танимадингизми?— деди ва хуржундан иккита олма олиб, бирини менга берди.

— Қаердадир кўргандай бўламан, лекин...

Жувон кўлидаги олмани устма-уст бир неча мартаба тишлади ва чала чайнаб ютди.

— Энди ҳам танимадингизми?— деди.

Танидим! Факат кўзидан танидим! Кулимсираб, оламга табассум сочиб турган бу жувон ўша Мастура эди. Мен нима дейишимни билмай:

— Бу ёқда нима килиб юрибсиз? — дедим.

Мастура кулди.

— Кучимни, гайратимни тўла-тўқис ишга солиб юрибман, - деди.

— Оператсияга кириб кетаётганингизда мен йўлакда турган эдим, хаяжонда бўлсангиз керак, танимадингиз...

— Йўк, амаки,— деди Мастура бир оз хижолат бўлиб,— кечирасиз, атайин сўрашмаган эдим... Сўрашсам, менга тасалли берар эдингиз... Ўша тобда менга тасалли бериб айтилган хар бир сўз ишончимга раҳна, кўнглимга гулгула солиши мумкин эди.

Узок суҳбатлашдик. Эр-хотин отларини етаклаб, мени талай ергача кузатиб кўйишди: сўнг хайрлашиб сўл томонга от кўйиб кетишди.

Мен саҳрода лочиндай учиб кетаётган Мастура билан Акрамжонга узок караб колдим. Иккови уфкка етганда, бири оркага кайтди, хаял ўтмай етиб келди.

Бу Мастура экан, йўлдан бир неча кадам нарида туриб:

— Амаки, Хожи акамга салом айтинг, — деди ва уфкда кутиб турган Акрамжонга томон от кўйиб кетди.

Шаҳарга кайтганимиздан кейин Мастуранинг омонатини топшириш учун Хожи акани топдим, лекин саломини топширолмадим: Хожи ака бечора казо килган экан.